



Ўзбекистон
Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2022 йил IV чорак



Тошкент 2023 йил

Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторлар орқали ўзида ифода этади.



Ушбу шарҳ Марказий банк томонидан 2022 йилнинг IV чораги давомида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятни ўрганиш мақсадида 2023 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи 1,5 мингга яқин тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолиятининг йўналишларини кенгроқ қамраб олиш орқали репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги ишчи кучига бўлган талаб ҳамда бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмалар юзасидан 15 дан ортиқ саволлардан иборат.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан биттаси ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантыни танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазли коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик муҳити

2022 йилнинг IV чорагида республикада тадбиркорлик шароитлари ва муҳити ўтган чоракка нисбатан яхшиланганлигини маълум қилганлар улуши аввалги чорак натижаларига нисбатан бироз камайиб, 45 фоизни ташкил этди (1-расм). Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларидаги бизнес шароитлари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори шаклланганини кўриш мумкин.

Иқтисодий фаоллик

Ушбу даврда **энергия истеъмоли** кўпайганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши **41 фоизни** ташкил этди (III чоракда 40 фоиз). **Юк ташиш ҳажмида** камайиш кузатилган бўлиб, юк ташиш ҳажми ўсганлигини таъкидлаган бизнес вакиллари улуши 34 фоизгача қисқарди (III чоракда 42 фоиз). Шунингдек, респондентларнинг 32 фоизи (III чоракда 20 фоиз) **тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини** қайд этишган.

Бандлик

Жорий йилнинг IV чорагида ишбилармонларнинг аксарият қисмида **ишчи кучига бўлган талаб** ўтган чоракка нисбатан пасайди. Бунда, маиший хизмат, савдо, кафе ва ресторанлар, қурилиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишчи кучига талабнинг кўпайганлигини маълум қилган респондентлар улуши аввалги чоракка нисбатан пасайган. Ўз навбатида, соҳа вакиллари чорак давомида иш қидирувчиларнинг кўпайганини билдиришди.


Пул-кредит

Ўрганилаётган даврда тадбиркорларнинг **қарз юкламалари** (кредит ва фоиз тўловлар) ўтган чоракка нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган. Умуман олганда, аксарият бизнес вакиллари жорий пул-кредит шароитларини нейтрал даражада деб баҳолашган.

Истиқболлар

Тадбиркорларнинг келгуси давр учун кутилмалари **ижобий шаклланмоқда**. Жумладан, келгуси 12 ой ҳамда яқин 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда бизнес истиқболларини ижобий баҳолаган иштирокчиларнинг улуши мос равишда ўртача 53 ва 65 фоизни ташкил этди (III чоракда ушбу кўрсаткич мос равишда 60 ва 70 фоизга тенг).

1-расм. 2022 йилда Ўзбекистонда бизнес кайфияти индикатори
(респондентлар улуши фоизда)



2022 йилнинг IV чорагида Тошкент вилоятида бизнес шароити яхшиланганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши 47 фоизни ташкил этиб, ўтган чоракка нисбатан бироз камайди. Тошкент шаҳрида бизнес яхшиланганини билдирганлар 41 фоизгача ортди (*аввалги чоракда 40 фоизга тенг*).

Тошкент шаҳридаги аксарият вакиллар ўртача ҳисобда бизнес шароитлари **ўзгаришсиз қолганини** (45 фоизи) билдиришган. Бизнес муҳитининг **ёмонлашганини** таъкидлаганлар аввалги чоракка нисбатан Тошкент шаҳрида ўзгармас, Тошкент вилоятида эса 6 фоиз бандга кўпроқни ташкил қилди.

Газ ва электр таъминотидаги узилишлар, йўл ва логистика инфратузилмаларининг талабга мос эмаслиги, маъмурий аралашувларнинг кўплиги, солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ муаммолар ҳамда рақобат муҳити ёмонлашаётгани ҳудуддаги ишбилармонлик шароитларининг салбий таъсирларидан бўлди (2-расм).

Шу ўринда, банк хизматлари сифатининг яхшилангани ва кредит олиш жараёнларининг осонлашгани ижобий баҳоланди.

Чорак давомида Тошкент вилоятида 39 фоиз (*ўтган чоракда 45 фоиз*), Тошкент шаҳрида 35 фоиз (*ўтган чоракда 33 фоиз*) бизнес вакиллари **ёнилғи истеъмоли** кўпайганини ва шунга қарамай юк ташиш ҳажмлари аввалги чоракка нисбатан сезиларли **камайганини таъкидлашди**.

2-расм. Ишбилармонлик ёмонлашишига таъсир этувчи омиллар (респондентлар улуши, фоизда)



Хусусан, Тошкент шаҳрида 17 фоиз (*ўтган чоракда 13 фоиз*) ҳамда Тошкент вилоятида 14 фоиз (*аввалги чоракда 4 фоиз*) вакиллар юк ташиш ҳажми камайганини маълум қилишди.

Иккала ҳудудда ҳам корхоналарнинг фаолиятида узилишлар кузатилган. Бунда, Тошкент шаҳридаги бизнес вакилларининг 37 фоизи (*III чоракда 30 фоиз*) ва Тошкент вилоятининг 42 фоизга (*III чоракда 16 фоизи*) яқини чорак давомида тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаганликларини билдиришган.


Бу ўз навбатида, Тошкент вилоятида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши, Тошкент шаҳрида эса ўзгаришсиз қолганлигида кўриш мумкин (3-расм).

Тошкент вилоятида **савдо** ва **таълим**, Тошкент шаҳрида эса **ишлаб чиқариш** ҳамда **савдо** соҳасидаги тадбиркорлардан иш излаб келганлар улуши сезиларли камайган бўлса, Тошкент шаҳрида **ҳунармандчилик** соҳасида иш излаётганлар ўтган чоракка нисбатан юқорилаган.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятида вакиллар кредит қарздорликлари камайганини, Тошкент шаҳрида эса қарздорлик бироз ошганини ёки ўзгармасдан қолганини таъкидлаганлар.

Келгуси 3 ойда савдо ҳажми ва тушумлари ошиши бўйича респондентлар улуши Тошкент вилоятида ўзгармаган бўлса, Тошкент шаҳридаги вакилларнинг улуши кўпайган.

3-расм. Иш кучига бўлган талабнинг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)





2022 йилнинг IV чорагида Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларида бизнес юритиш шароитларида ўзгаришсиз қолганлигини, Навоий вилоятида эса яхшиланганини таъкидлаган вакиллар кўпчиликти ташкил этди.

Шу ўринда, ҳудудларда **рақобат муҳитининг** яхшиланиб бораётгани ҳамда **маъмурий аралашувларнинг камайгани** бизнес муҳитининг яхшиланишига хизмат қилган.

Бироқ, **газ ва элетр таъминотидаги узилишлар**, шу билан бирга, **йўллар инфратузилмасининг** талаб даражасида эмаслиги бизнес фаолиятига салбий таъсир кўрсатган омиллардан бўлди.

Умуман олганда, ёқилғи ва энергия таъминотидаги узулишлар ҳисобига аксарият **бизнес вакилларнинг фаолиятига салбий таъсирлар** вужудга келиб, **юк ташиш ҳажмларида** камайиши кузатилган.

Бухоро ва Навоий вилоятларида **респондентларнинг учдан бир қисми**, Самарқанд вилоятида эса **20 фоиздан** кўпроғи чорак давомида тўлиқ фаолият юритмаган (4-расм).

Шунингдек, ишчи кучига талаби кўпайганлигини қайд этган респондентлар улуши ўтган чоракка нисбатан **10-15 фоизга қисқарган**.

Ушбу даврда қўшимча ишчи кучига талаби ўзгармаганлигини таъкидлаган респондентлар улуши **50-60 фоиз атрофида** шаклланган.

Бироқ, ҳудуддаги умумий овқатланиш ва молия соҳасининг ўртача ҳисобда 64 фоизда **ишчи кучига талаби ортган**.

Иш изловчилар орасида Самарқандда қурилиш ва маиший хизматлар, Бухорода умумий овқатланиш ва туризм, Навоийда умумий овқатланиш ва молия соҳаларида талабгорлар ортгани кузатилган.


Респондентлар орасида **кредит ва фоиз тўловларининг** ошганлигини таъкидлаган бизнес вакиллари **35-40 фоизни** ташкил этмоқда (ўтган чоракда ушбу кўрсаткич мос равишда 40-50 фоиз атрофида шаклланган).

Самарқанд ва Навоий вилоятларидан бизнес вакиллари жорий пул-кредит шароитларини ўртача деб қайд этган бўлса, Бухорода 65 фоиз қатнашувчилар кредит шароитларини қатъий баҳолаган.

Шу ўринда, келгуси чоракда фаолиятлари янада яхшиланишини кутаётган бизнес вакиллари **ишлаб чиқариш, савдо, кафе-ресторанлар, ташиш хизматлари** ҳамда **қишлоқ хўжалиги** соҳаларида кўпроқни ташкил қилди.

Ҳудудлардаги аксарият бизнес вакиллари яқин ва ўрта муддатли истиқболда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича **ижобий кутилмалари сақланиб қолинган**.

4-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли ўзгариши (жами респондентларнинг улуши, фоизда)



5-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)





Андижон, Наманган, Фарғона

2022 йилнинг IV чорагида Андижон вилояти 64 фоизи (*ўтган чоракда 59 фоиз*) ҳамда Наманган вилоятида 48 фоиз (*ўтган чоракда 62 фоиз*) тадбиркорлар **бизнес шароитлари яхшиланганини таъкидлашган.**

Аксинча, Фарғона вилоятида бизнес шароитларининг яхшиланганини қайд этган респондентлар улуши аввалги чоракка нисбатан **деярли икки бараварга камайиб,** жами вакилларнинг **30 фоизини** ташкил этди.

Йўллар инфратузилмасидаги муаммолар, айрим соҳаларда **маъмурий аралашувларнинг** сақланиб қолингани ҳамда **монопол корхоналар** кўламининг ортиб бораётгани ҳудудларда **бизнес муҳити ёмонлашиши** сабаблари сифатида кўрсатилган.

IV чоракда иқтисодий фаолликнинг сақланиб қолингани шароитида ҳудудларда энергия сарфи ортганлигини таъкидлаганлар улуши ўтган чоракка нисбатан ўртача **10 фоизга кўпайган.**

Бироқ, ёқилғи таъминотидаги узилишлар ҳисобига **юк ташиш ҳажмида қисқаришлар кузатилган.**

Шу ўринда, асосий омиллар сифатида **ёқилғи таклифининг қисқариши** ва бунинг натижасида **нархларнинг қимматлашгани,** шунингдек, **талабнинг ўтган чоракка нисбатан бироз камайгани** Фарғона ва Наманган вилоятларида кўпчилик вакилларнинг (*мос равишда 49 ва 38 фоиз*) тўлиқ фаолият юритмасликка сабаб бўлган.

Шу ўринда, барча ҳудудларда ишчи кучига талаби кўпайганлигини қайд этган респондентлар улуши аввалги чоракка нисбатан камайган.

Бунда, Андижон вилоятида **учдан икки қисми,** Наманган ва Фарғона вилоятларида мос равишда **40 ва 28 фоиз** бизнес вакиллари чорак давомида ишчи кучига талаблари ортганлигини маълум қилишди.


Соҳалар кесимида, асосан, **савдо, ишлаб чиқариш, қишлоқ хужалиги, фан ва таълимда** қўшимча ишчиларга талаб шаклланган.

Ўз навбатида, барча вилоятларда иш сўраб келганлар сони ортганлигини қайд этилди. Хусусан, Наманган вилоятида коммунал хизматлар, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш, маиший хизмат ҳамда молия, Андижон вилоятида эса тиббиёт, кафе-ресторан ва савдо соҳаларида ишга талабгорлар сони ортган.


Ҳудудларда бизнес вакиллари **кредит бўйича қарзлари кўпайганлигини** маълум қилганлар аввалги чоракка нисбатан бироз кўпайган бўлса, ўзгаришсиз қолганлигини билдирганлар жами респондентларнинг деярли **учдан бир қисмини** ташкил этди. (*6-расм*).

Тадбиркорларнинг келгуси чоракда савдо кўламлири кенгайиб, тушумлари ва даромадлари **янада ортиши бўйича ижобий кутилмалари мавжуд** (*7-расм*).

6-расм. Чорак давомида кредит/қарзлари ўзгарган респондентлар (респондентлар улуши, фоизда)



7-расм. Тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалари (респондентлар сони)





2022 йилнинг IV чорагида Қашқадарёда вакилларнинг кўпчилиги бизнес шароитларининг **ўтган чоракка нисбатан яхшиланганлигини билдиришган.**

Сурхондарёда эса тадбиркорлар бизнес шароитлари ва муҳитида сезиларли ўзгариш бўлмаганлигини маълум қилишган. (8-расм)

Таъкидлаш жоиз, бизнес ёмонлашганини билдирган респондентлар улуши Сурхондарёда **13 фоизгача кўпайган (аввалги чоракда 4 фоиз).**

Бунда вакиллар **ёқилғи ва энергия таъминотидаги** узулишлар, **инфратузилма муаммолари, маъмурий аралашувлар** ҳамда айрим соҳаларнинг **моноплашуви ортиб бораётгани** фаолият ривожланишига тўсқинлик қилаётганлигини қайд этишди.

Ушбу даврда респондентларнинг кўпчилигида **энергия истеъмоли ва юк ташиш ҳажмларида** сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Шунингдек, IV чоракда **юк ташиш ҳажми ошганлигини** маълум қилган респондентлар Қашқадарё вилоятида **28 фоизни (ўтган чоракда 53 фоиз),** Сурхондарёда эса 32 фоизни (*ўтган чоракда 34 фоиз*) ташкил этди.

Ушбу даврда об-ҳаво шароитларининг ёмонлашиши билан энергия таъминотидаги узулишлар ҳамда ёқилғи

нархларининг қимматлашиши ҳисобига, шу билан бирга, айрим соҳаларда хомашёларнинг етишмаслиги кузатилаётган бўлиб, бу эса бизнес вакиллари орасида тўлиқ ишламаган респондентлар улуши кўпайишига олиб келди.

Бу ўз навбатида, ишчи кучига талаби ўзгаришида ҳам намоён бўлди. Хусусан, III чоракда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ишчи кучига талаби ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши мос равишда **47 ва 38 фоизни** ташкил этган бўлса, IV чоракда ушбу кўрсаткич мос равишда **29 ва 31 фоизга** камайган.


Шу ўринда, иш излаётганлар **қишлоқ хўжалиги, савдо, ишлаб чиқариш, кафе-ресторанлар ва маиший хизмат** соҳаларда кўпайганлигини кўриш мумкин.

Ҳудудларда аксарият бизнес вакиллари жорий **пул-кредит шароитларини ўртача** деб баҳолаганлар.


Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг **учдан бир қисми** қарз юктамалари кўпайганлигини таъкидлашган.

Шунингдек, яқин уч ойда савдо ҳажми ҳамда тушумлари кўпайишини кутаётганлар кўпчиликини ташкил этмоқда.

8-расм. Бизнес юритиш шароитларининг ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)



9-расм. Бизнес фаолияти (савдо ҳажми, тушумлар, даромад) бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)





Жиззах, Сирдарё

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган бизнес вакиллари **бизнес шароитлари ёмонлашганини** таъкидлашди.

Худудларда рақобат муҳити ва банк хизматлари сифати яхшилангани, кредит олиш осонлашгани бизнес муҳитига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, **газ** ва **электр таъминотидаги** узилишлар, **маъмурий аралашувларнинг** ҳамон сақланиб қолгани, **йўл** ва **инфратузилманинг** яхши ҳолатда эмаслиги, шунингдек, **солиқ маъмурчилигининг мураккаблиги** бизнес вакилларининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Энергия истеъмоли Жиззах вилоятида бироз камайган бўлса, Сирдарё вилоятида ўтган чоракка нисбатан кўпайган (*10-расм*).

Шу ўринда, аксарият тадбиркорларнинг **юк ташиш ҳажми** ўтган чоракка нисбатан қисқарган (*11-расм*).

Тўлиқ салоҳиятда фаолият юрита олмаслик ҳолатлари ушбу чоракда кўпайганлиги таъкидланмоқда. Бунда, ушбу сегментдаги респондентларнинг улуши иккала ҳудуд бўйича ўртача **22 фоиздан 36 фоизгача ортган**.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида аксарият корхоналарда **иш кучига талаб** ўтган чоракка нисбатан ўзгаришсиз қолган.

Савдо ва қурилиш соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг **ишчи кучига бўлган талаби** ошган бўлса, қолган бизнес вакилларида ишчи кучига бўлган эҳтиёж ўзгармаган.


IV чоракда Жиззах вилоятидаги аксарияти тадбиркорларнинг қарз юктамаларида камайиш кузатилган бўлса, Сирдарё вилоятида эса ўзгаришсиз қолганлигини таъкидлаганлар улуши кўпчилиكنи ташкил этган.

Шунингдек, иккала ҳудудда ҳам респондентлар келгусида валюта курсини бироз ошишини ҳамда савдо фаолияти пасайишини билдирганлар.


Жиззах вилоятида **фан-таълим, савдо, хунармандчилик** соҳалари ҳамда Сирдарёда **ишлаб чиқариш, қурилиш, тиббиёт** ва **савдо** соҳаларида фаолият юритаётган вакилларнинг аксарияти келгуси чоракда савдо ҳажми ва даромадлари ортиши бўйича ижобий кутилмалари шаклланган.

Келгуси 12 ойда иқтисодий кутилмаларни ижобий баҳолаган респондентлар аввалги чоракка нисбатан бироз пасайган.

10-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли (респондентлар улуши, фоизда)



11-расм. Юк ташиш ҳажми (респондентлар улуши, фоизда)





Қорақалпоғистон Республикасида бизнес шароитлари яхшиланганлигини қайд этганлар кўпчиликини ташкил этди.

Хоразм вилоятида эса бизнес шароитлари яхшиланганлиги бўйича ижобий кутилмалари мавжуд респондентлар улуши **ўтган чоракка нисбатан бироз камайган**.

Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги банк хизматлари сифати яхшиланиши билан кредит олиш имкониятлари кенгайганлигини ҳамда маъмурий аралашувларнинг камайганлигини таъкидлашган.

Бироқ, **солиқ маъмурчилигидаги қийинчиликлар** ҳамда баъзи соҳаларда **монопол корхоналар** қўламининг ортиб бориши ва бунинг натижасида рақобат муҳитининг ёмонлашгани, шунингдек, ҳудудларда **инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги** фаолият юритишга салбий таъсир кўрсатган.

Сўровда қатнашган респондентларнинг Қорақалпоғистон Республикасида аксарият тадбиркорлар **энергия истеъмоли** ҳамда **юк ташиш ҳажмлари** аввалги чоракка нисбатан кўпайганлигини таъкидлашган.

Хоразмда **энергия** ҳамда **юк ташиш ҳажмлари** ўзгармаганлигини маълум қилганлар кўпчиликини ташкил этди.

Тўлиқ фаолият юрита олмаган бизнес вакиллари улуши Қорақалпоғистон Республикасида **15 фоизгача** (аввалги чоракда 19 фоиз) камайган бўлса, Хоразмда ушбу кўрсаткич **31 фоизгача** (аввалги чоракда 24 фоиз) кўпайди.

Айрим кунлари фаолият юритмаслик сабаблари сифатида ёқилғи ва энергия таъминотидаги узилишлар, хомашёларнинг етишмаслиги ҳамда талабнинг мавсумий пасайишини белгилаганлар кўпчиликини ташкил этди.

Бизнес вакилларининг кўпчилигида ишчи кучига талаб ўзгармаган бўлсада, иш изловчилар сони юқориликча сақланиб қолинган. Бунда, Қорақалпоғистонда **ташиш хизматлари, кафе-ресторан, қишлоқ хўжалик соҳалари**, Хоразмда эса **савдо соҳасида** иш сўраб келганлар **кўпчиликини ташкил этмоқда**.

Кредит ва қарз юкламалари ошганлигини маълум қилган респондентлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмда мос равишда **47** ва **35 фоизни** ташкил этди (аввалги чоракда мос равишда 41 ва 38 фоизга тенг).

Шу ўринда, келгусида савдо ҳажмлари ва тушумлари кўпайиши бўйича аксарият **бизнес вакилларида ижобий кутилмалар сақланиб қолинган**.

12-расм. Қўшимча иш сўраб келганлар динамикаси (респондентлар улуши, фоизда)



13-расм. Кредит/қарзлар юкламалари ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)

